



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефоннинг орқали сканер килинг

2021-yil 24-iyun, payshanba, 73 (23.509)-son

Бошқарув идоралари фаолияти очиқ бўлсин

Жамоатчилик эса уни назорат қилиб
бориши шарт

**Вилоят ҳокимлигига ўтказилган
аппарат йиғилишида ушбу масала
атрофлича муҳокама қилинди.**

Қайд этилганидек, жорий йил 16 июня
Президентимизнинг “Давлат органлари ва
ташқилотларининг фаолияти очиқлигини
таъминлаш, шунингдек, жамоатчик низомат
самаралам амалга оширишга доир кўши
чимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони
имзоланди.

Хужжат билан давлат ҳокимиюти ва бошқарув
органлари, шунингдек, устав фондида
давлат улуши 50 фоизи ва ундан ортиқ бўлган
хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар
корхоналари томонидан очиқ маълумотлар си
фатида жойлаштирилиши керак бўлган ижти
мий аҳамиятта молик маълумотлар рўйхати
тасдиқланди.

Энди ҳар йил якунлари бўйича давлат
органлари ва ташқилотларининг Очиқлик ин
декси аниқланиши кўзда тутилмоқда. Бундан
ташқари, фармонда кўрсатилган қоида ва
тартибларининг бузилиши давлат органлари
ва ташқилотлари фаолиятининг очиқлиги
тўғрисидаги қонуучилик бузилиши сифатида
баҳоланади.

► ЯНГИ ТАЛАБЛАРГА ТАЙЁРМИЗИМ

Фармон билан “Давлат ҳокимиюти ва бош
қарув органлари фаолиятининг очиқлиги
тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг
Қонуни лойихаси концепцияси ишлаб чиқи
белгиланди. Бироқ айрим ҳокимлик ва бош
қарув идораларида ҳамон амалдаги қонун
ташқилари асосида иш ташкил этилмаяти.

Ҳусусан, вилоятдаги бошқармаларнинг
аксарият расмий веб-сайтлари марказлаш
ган ҳолда республика томонидан юритида
ди. Бироқ вазирлик ва идораларнинг расмий
веб-сайтларida худудий бошқарма ва бўлин
малари ҳакида маълумот берилмаган ёки тўлиқ
ёритилмаган.

Бу ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республика
саҳифасида ахборот-коммуникация технология
ларини ривожлантириш холатини баҳолаш
тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғри
сида”ги 355-карори 3-иловаси талабарига
мос келмайди.

Тўғри, айни пайтда 30 та бошқарма ва
ташқилотнинг расмий веб-сайти мавжуд.
Аммо уларни юритища камчиликларга йўл
кўйилмоқда. Жўмладан, Самарқанд давлат
университетининг www.samdu.uz ва вилоят
ҳокимлиги хузуридаги фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқарув органлари ходимларининг мала
касини ошириш ўкув курсининг www.samdu.uz
расмий веб-сайтлари ахборот хавфзислиги
талабларига жавоб бермагани сабабли кибер
хўжумга учраган. Яна кўплаб бошқарма ва
ташқилотлар веб сайтилари кибер ва хакерлик
хўжумларининг олдини олиш бўйича экспер
тизидан ўтказилмаган.

► 7 ИЛЛИК ҚОНУН МОҲИЯТИНИ ТУШУНМАЙГАНЛАР БОР

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат
ҳокимиюти ва бошқарув органлари фаолия
тининг очиқлиги тўғрисида” Қонуни қабул
килинганига етти йилдан кўп вақт бўлган
бўлса-да, унинг мөҳијатини ҳали ҳам кўпчи
лик билмайди.

Мазкур қонун билан барча даражадаги ҳо
кимиюти ва бошқарув органлари ўзларининг
кундадлик фаолияти тўғрисидаги ахборотни
ахолiga маълум қилиб боришлари керак.
Бундай ахборот биринчи навбатда, расмий
веб-сайтлар, шунингдек, интернет тармоғидаги
мессенжерлар ва ихтиомий тармоқлардаги
саҳифаларда жойлаштириб борилиши лозим.

Аҳоли давлат ташқилотлари тўғрисидаги
маълумотлар билан осон танишиши учун ах
боротлар корхонанинг ҳамма кириши мумкин
бўлган жойларига жойлаштирилиши керак.
Амалда саноқли ташқилотларда раҳбарнинг
қабул кунлари ва қабул соатлари, ҳафса
қилгандар раҳбарнинг исми-фамилиясини ёзиб
кўйган.

Ваҳоланки, иш ёки ташвиш билан келган
фуқаро бинога кирмасдан, ҳамма маълумотни
олиши шарт. Қонун талаби бу.

► РАҲБАРЛАР ЭТЫБОРСИЗИ ЁКИ МАТБУОТ КОТИБЛАРИ

Йиғилишда қайд этилишича, матбуот анжу
манлари режали ташкил этилмаяти. Ҳусусан,
биринчи чорақда 85 та медиа-тадбирларнинг
6 таси кечикиб ўтказилган.

Иккинчи чорақ учун тасдиқланган 154 та
матбуот тадбирининг 17 таси (6 та матбуот
анжумани, 6 та очиқ мулокот, 5 та пресс-тур)
ташкил этилмаган. Паст Дарғом, Қўшработ
тумани ҳокимларни, соглини саклаш, со
лик, “Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза
бошқармалари кабилар медиа-режа кўри
нишида тасдиқлаб берилган тадбирларни
тўкказмаган.

Муҳокамалар давомида ҳокимлик ва бош
қарув идоралари фаолиятида очиқликни та
минлаш, бу борада масъул шахслар учун зарур
шароитларни яратиш юзасидан вазифалар
бельгилаб олинди.

**Вилоят ҳокимлигига шу муносабат билан
ташкил этилган йиғилишида вилоят ҳокими
Э.Турдимов, Маҳалла ва оиласи қўллаб-куват
лаш вазирлиги, вилоятдаги давлат ва жамоат
ташқилотлари вакиллари иштирок этди.**

Нуронийлар жамоатчилик Кенгашига янги раис тайинланди

Қайд этилганидек, “Нуронийлар жамоатчилик
кенгаши” кексалар ва фахрийларнинг бошини қо
вуштирадиган, уларни ёшларимизнинг таълим-тар
биясига, умуман, жамият ҳаётига фаол жалъ қила
диган ташқилот хисобланади. Махалла ва оиласи
қўллаб-куватлаш бошқармалари бошлиқларининг
тегиши ўринбосарлар ушбу кенгашилар раислари
етиб белгиланган. Бундан ташқари, улар Мудофаа
вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг
вилоят ҳокимларни хузуридаги минтақавий бў
лнималари раислари хисобланади.

- Бу лавозимда ишлайдиган кишига жуда катта
масъулит юқатилган, - деди вилоят ҳокими
Э.Турдимов. - Албатта, бу борада атоқли давлат
ва жамоат арбоби, Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов ёч бир
муаммога ўрин қолдирмаган. Афсуски, у киши шу
йил 24 апрель куни 82 ёшида вафот этди.



Ҳасан Нормуродов ишларини давом эттириш
учун у кишининг ўрнига, яни маҳалла ва оиласи
қўллаб-куватлаш бошқармаси бошлигининг
кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари
етиб белгиланган. Сайдаҳмат Усмонов юзодини лозим
делавр топди.

Таъкидланганидек, Сайдаҳмат Усмонов узоқ
йиллар таълим тизимида турли лавозимларда
муваффакиятни фаолият олиб борган. 2019-2020
йилларда вилоят ҳаётига таълими бошқармаси ра
хбарли қилган. Махалла ва оиласи қўллаб-куват
лаш вазирининг бўйруғи билан Сайдаҳмат Усмонов
Самарқанд вилоятни маҳалла ва оиласи қўллаб-куват
лаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозими
га тайинланди.

**Паст Дарғомда 283 та
фермер хўжалиги 17 минг
465 гектар майдонда ғалла-
нинг “Давр”, “Бардош”, “Васса”,
“Андикон-2”, “Дружба”, “Звезда”
каби эртапишар ва серҳосил на
вларини парваришлаб, эл хир
монига 39 минг 996 тонна до
нотишни режалаштирган.**

**Тумандаги “Низомжон
пахта-ғалла даласи”
фермер хўжалиги аъзола-
ри 47 гектар майдонда ғалла
парваришлаб, эл хирмонига 162
тоннадан ортиқ дон топши-
ришини мақсад қилган.**

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефоннинг орқали сканер килинг



- Бугунгача туманимиз 127 та фермер хўжалиги эл хир
монига 15 минг тоннадан зиёд ғалла топшириб, 70 дан ортиқ
фермер хўжалиги дон сотиш шартнома режасини ортиғи билан
бажарди, - дейди туман ҳокимининг ўринбосари Ҳусан Бўри
ев. - Ғалла майдонларининг катта қисмидаги ўрим ишлари энди
бошланишини хисобга олсан, бу йилги хирмонимиз анча юк-
сак бўлишидан дарак бор. Ўрим-йигим ишларига 50 та юқори
унумли ғалла ўриш комбайнлари, 250 та юқ ташиб техники,
7 тадан кўчма устахона ва ёқилги тарқатиш техникини жалб
қилинган.

- Йил яҳши келди, агротехник тадбирларни ҳам ўз вақтида
ўтказдик, режани ҳам ортиғи билан бажариш ниятидамиз, - дейди
хўжалик иш бошқарувчиси Ҳасан Қосимов. - Даромаддан ишчи-
ларимизни рагбатлантиримиз, шу билан бирга хўжалигимизнинг
техник базасини ҳам мустаҳкамлашни режалаштирямиз. Айни
кунда 67 гектар майдондаги ўзага ишлов бериш, бегона ўтлар-
дан тозалаш ва зааркундаларга қарши курашиши ҳам сифат-
ли бажарямиз.

**Бахтиёр МУСТАНОВ
олган сурат.**

да), ветеринария-санитария талабларига зид
равишда фаолият юритилмоқда.

Ўрганишилар давомида гўшт дўконларидан
23 тасининг ветеринария-санитария ҳолати
ёмонлиги, 13 тасида сотовчиларда тиббий даф-
тарчалар йўклиги аниқланган.

Айтилишича, вилоядда бир йилда 925 минг
дона корамол ва юқ тери хомашёси хосил
бўлади. Мавжуд терини қайта ишлов боршила
корхоналарнинг йиллик куввати 820 минг дона бўл-
са-да, жорий йилнинг ўтган даврида 77 минг
дона тери қайта ишланган.

Терини қайта ишлов Каттакўғон шахрида
102 фоизга, Пахтачидаги 20 фоизга бажарилган.
Бироқ бошқа худудларда қайта ишлов корхон-
ларни ташкил этилмаган.

Оқибатда қиймати 73 миллиард сўмлик тери
маҳсулотларининг 14 миллиард сўмлиги ёки
19 фоизи вилоядда қайта ишланадётган бўлса,
59 миллиард сўмлиги бошқа вилоятларга олиб
чикиб кетилмоқда.

Йиғилишда қайд этилган маълумотлар
юзасидан мутасаддилардан аниқ маълумотлар
сўралди. Уларда тегиши вазифалар берилиб,
белгиланган муддатларда сифат ва самара-
дорликни ошириш юқлатилиди.

► ҲАНУЗ АНТИСАНИТАР ХОЛАТИДАГИ ГЎШТ ДЎҚОНЛАРИ БОР

Мазлумотларга кўра, вилоядда 863 та
гўшт дўқонлари мавжуд. Уларнинг 461 таси
ёки 52 фоизигина күшхоналар билан шарт-
нома асосида иш олиб бормоқда. Колган 402
та гўшт дўқони бир неча бор огоҳлантириш-
ларга карамасдан, ноконуний (ўй шароити-

да), ветеринария-санитария талабларига зид
равишда фаолият юритилмоқда.

Ўрганишилар давомида гўшт дўконларидан
23 тасининг ветеринария-санитария ҳолати
ёмонлиги, 13 тасида сотовчиларда тиббий даф-
тарчалар йўклиги аниқланган.

Айтилишича, вилоядда бир йилда 925 минг
дона корамол ва юқ тери хомашёси хосил
бўлади. Мавжуд терини қайта ишлов боршила
корхоналарнинг йиллик куввати 820 минг дона бўл-
са-да, жорий йилнинг ўтган даврида 77 минг
дона тери қайта ишланган.

Терини қайта ишлов Каттакўғон шахрида
102 фоизга, Пахтачидаги 20 фоизга бажарилган.
Бироқ бошқа худудларда қайта ишлов корхон-
ларни ташкил этилмаган.

Форумда Ҳамкорлик алоқаларини ўт-
тиришни меморандумлар имзоланди. Самарқанд давлат ин-
ститути ректори Ж.Ризаев ҳамда Самарқанд
ветеринария медицинаси институти про-
ректори А.Элмуродов меҳмонларга мус-
сасаларда яратилган шароитлар, имкони-
ятлар ҳақида маълумот берди. Шунингдек,
ўзаро Ҳамкорлик алоқаларини йўлга
қўйиш мумкин бўлган йўналишларга ҳам
тўхтаби ўтиди. Жумладан, “Илак йўли”
туризм ҳалқаро университети раҳбарияти
туризм йўналишларидаги олий ўқув юртлари
билим Ҳамкорлик килишга тайёр эканли-
ктарини билдириди.

Форумда Ҳамкорлик алоқаларини ўт-
тиришни меморандумлар имзоланди. Самарқанд давлат ин-
ститути ректори Ж.Ризаев ҳамда Самарқанд
ветеринария медицинаси институти про-
ректори А.Элмуродов меҳ

Инсоннинг савдони ривожлантириш, янги ерларни очиш ва ўзлаштириш, янги илм-фан йўлларини излаб топиш мақсадида жаҳон бўйлаб амалга оширган саёҳатлари жараёни бугунги кунда туризм фанида зиёрат ва илмий туризм тури хисобланади.

Хозирги тушунчаларда қабул қилинган туризм XIX асрнинг охирига бориб шаклланган бўлса-да, факат XX асрга келиб у жадал суръатларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият мусоносабатларининг юксалиши натижасидан «XX аср феномени» номини оди.

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўтасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаша хизмат қилган. Одамлар янги ўлаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотикини ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиқкан. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёnda мухим ўрин тутган.

Шарқнинг ҳар иккى Ренессанс давридаги Марказий осиёлик буюк ватандошларимиз Мовароонхардан хорижий мамлакатларга сафарларининг асосий мақсади Маккай Мукаррамада ҳаж амалини бажариш билан биргаликда, ўз ватанида олинган диний ва дунёвий илмлар, айниқса, ҳадис бўйича билимларини янада ошириш учун ўша даврда илм-фан ва маданияти тараққий қилган Кохира, Дамашк, Бағдод, Макка, Мадина ва Хуросоннинг турли шахарларида танилил олимлар билан ҳамкорлиқда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришидан иборат бўлган.


Зиёратчи-олимларнинг энг машҳури, буюк мұхадис Имом ал-Бухорий (810-870) онаси билан 17 ёшида ҳажж бориб, бир неча йил Арабистонда яшиди. У Бағдод, Да-машк, Балх, Нишопур, Миср ва бошқа кўпгина араб шахарларида 40 йил давомида ҳадисларни тўплайди. Бунга Имом ал-Бухорийнинг замондоши Имом ат-Термизийи (824-892) ҳам мисол қилиш мумкин. Ат-Термизийнинг хорижий мамлакатларга сафари узоқ йилларга чўзилиб, бу сафарлар чоғида кўпдан-кўп олимлар, мұхадислар билан мулокотда бўлган.

Араб халифалигига кирган Мовароонхар, Хуросон ва Хоразмда маҳаллий тилларда ёзилган асарлар йўқ қилиниб, ерли билимдонлар, толиби илмлар халифаликнинг марказий шахарлари Дамашк, Кохира, Бағдод, Кӯфа ва Басрага бориб билим олишган ва араб тилида ижод қилган. Бу шахарлар орасида Бағдод шаҳри машҳур эди. IX асрда бу шахарда «Байт-ул ҳикма» – «Донишмандлар уйи» Шарқнинг ўз давридаги Фанлар академияси таскил этилган.

«Байт-ул ҳикма»да катта кутубхона ҳамда Бағдодда ва Дамашкда астрономик кузатишлар олиб бориладиган расадхоналар бўлган. Бу ергаги толиблар илмий тадқиқотлар билан бир қаторда, қадимги юнон ва хинд олимларининг илмий меросини ўрганиш ва асарларини араб тилига таржима қилиш билан шугулендилар.

Хоразм илмий мактабининг кўзга кўринган намояндаси Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий (783-850) бўйлиб, у америкалий шарқшунон Д. Сартон табиъи билан айттади «Барча замонларнинг энг улугъ математикларидан бири эди». Мұхаммад Хоразмий Хоразмда туғилган ва Бағдодда вафот этиган. Ал-Хоразмийнинг асарларида ҳаммаси бўйлиб, 537 жой номи, шахарлар, тоғлар (203 та ном), дengizlар ва орроларнинг

ТУРИЗМ асосчилари кимлар?



номлари, дарёлар алоҳида ёзилган. Уларда Қизил денгиз, Хинд ва Атлантика океанлари номи ҳам учрайди. Шунингdek, Азов денизи, Нил дарёси ҳавзаларига изоҳ берилган. Ал-Хоразмийнинг саёҳатлари натижасида яратилган географик фоялари IX аср бошларида Шарқда янги география фанининг яратилишига олиб келди.

Ахмад Фарғоний Фарғонада туғилган ва дастлабки илмни шу ерда олиб вояға етган. Сўнг Бағдоддаги «Байт-ул-ҳикма» академиясида Мұхаммад ал-Хоразмий билан ишлаш баҳтига мусассар бўлган. Ахмад Фарғоний Қўёш ва Ой тутилишини ҳам илмий жиҳатдан исботлаб берган, юлдузлар илмининг сultonти дейилган Мирзо Улуғбекдан беш аср оддин Қўёш ва юлдузларнинг ҳаракат йўналишларини, Ер шар шаклида эканлигини ва уқутблар деб атальувчи иккى ўқроғида ҳаракатларини қайд этиган. Ахмад Фарғоний Нил дарёсининг сувини доимий ўлчаб турувчи ниломет асбобини яратган. Бу асбоб туфайли бутун Нил дарёси ҳавзасида дехқончилик қилинган ва дарёning тошқинли даврлари олдиндан маълум бўлган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ой тутилишини исботлаб берган. Агар Берунийнинг бутун умри давомида қилган саёҳатларини сарҳисоб қилсан, у шимолда Хоразмга, жанубда Хиндистонга, гарбда Каспий денизи соҳили ва Бағдод орлигida саёҳat килган.

Абу Али ибн Сино ҳаётни давомида Хоразм, Туркманистон, Эрон шахарларида ва Каспий денизи соҳилларига саёҳat қилинган. Ибн Сино Каспий денизи, Марв дарёси бўйларida ва Қоракум саҳросини кесиб ўтишди, Эрон, Туркманистон мамлакатларга ҳудудларида саёҳатлari давридор ишмилларини ўсish ариаллари, уларнинг шифобахшлик хусусиятларини ўрганиш давомида жойларнинг географик хариталардаги ўрни, табиий иклим шароитлари, айниқса, бу-

лоқлар, бетакор табиий гўшалар, иссик сувларнинг даволаш хусусиятлари ҳақида кўплаб маълумотларни ўз асарларида кайд этиган.

Махмуд аз-Замахшарий (1075-1144) Шарқ, хусусан, мусулмон мамлакатларини 1100-1122 ва 1127-1139 йилларда иккى марта айланиб чиққан. У Хуросон, Эрон, Арабистон, Дамашк ва Макка шахарларида бўлиб, асарлари учун бой манба тўплаган.


Абдураззок Самарқандий (1413-1482) 1441-1444 йилларда (Афсанай Никитиндан 25 йил олдин, Ваксо да Гамадан 56 йил олдин) Хиндистонга денгиз орқали бориши ўйланини биринchi бўлиб босиб ўтган ва ушбу йўналишдаги ҳудудларни географик жиҳатдан тасвирилаб берган сайёх-олим. У саёҳати давомида Хуросоннинг кўмли чўллари, Марказий Осиёнинг жануби, Озарбайжон, Эрон, Ироқ орқали ўтиб, форс кўрфазидан Арабистонга чиқкан ва мазкур денгиз орқали Хиндистонга етиб борган. Хиндистонга борганд машхур рус саёҳи Афсанай Никитин ва голланд сайёхи Ваксо да Гама Хиндистонга денгиз ўйли билан боришида ватандошимиз Абдураззок Самарқандининг асарларидан фойдаланганлиги ҳақида ёзиб колдиран.

Захирiddin Мұхаммад Бобур (1483-1530) 15-16 йашарлигидаги Фарғона, Самарқанд ва Тошкент ҳудудларини бори неча марта айланиб чиқкан. 19 ёшга тўлганда Ҳисор тарафдан тоққа кўтарилиб, Фандарё ва Искандар кўли орқали Зарафшон водийсига ўтиб, Самарқандга келган. Бобурнинг ёзишича, 21 ёшигача Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шахар ва кишloқлarda ҳамда дашту тогларда бўлган. У умринг 30 йилини сафарларда ўтказди. Саёҳатлари даврида ўзининг шоҳ асари «Бобурнома» учун бой маълумотлар тўплаган. «Бобурнома» ўрта Осиё, Афғонистон ва Хиндистоннинг географияси, тарихи, ижтимоий-иктисодий ҳаёти, табиити, этнографияси ва тиббиётiga оид мухим илмий маълумотлар тўплангани жиҳатидан дунёдаги энг мукаммал асарлари рўйтилаги кирилган.

Бунгунда илмий адабиётларда замонавий туризм асосчиси сифатида англизлиқ Томас Кук та олинган. У биринчилардан бўлиб, саёҳат мақсади оммавий сафар уюштиришининг моҳияти ва фойдалилигини англаб, 1843 йилда дастлабки темирёл орқали тур ташкиллаштириди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча ҳудудларидан келган 165 минг кишининг Париждаги кўргазмада иштирок этишини ташкил килиди. Кўргазмага килинган саёҳат катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук англизлиқ туристларнинг 1865 йилда Парижга бутунжакон кўргазмасига оммавий равишда ташриф бўюришин ташкилотчиси бўлган.

Марказий осиёлик қомусий олимлар ўз саёҳатларини 819 йилда, яни IX асрда, дастлаб зиёрат, кейин турли фанлар бўйича билимларини янада бойитиши мақсадида Шарқ Ренесансини давридаги имрар макраларга амалга оширгани маълум бўлмоқда. Туризми шакллантириш жараёнини хронологик жиҳатдан таҳлил қиласа, бунгунда илмий адабиётларда туризм асосчиси сифатида тан олинган англизлиқ Томас Кукнинг темир ўйл орқали дастлабки сафарини ташкиллаштиргани XIX асрда ташкиллаштирилган. Марказий осиёлик олимлар IX-XI асрларда саёҳатларини амалга ошириш натижасида туризмнинг зиёрат ва илмий турларини шакллантирган.

Искандар ТЎХЛИЕВ,
Самиси профессори,
иктисодиёт фанлари доктори.



Паст Дарғомнинг саломатлик посбонлари

Паст Дарғом тумани аҳолисига кўп тармокли туман тиббиёт поликлиникаси, 6 та оиласиши шифокорлик пунктлари хизмат кўрсатади. Барча оиласиши шифокорлик пунктларида «Аёллар маслаҳат хонаси» ташкил этилган бўлиб, кизлар ҳам шу ерда кўриқдан ўтказилимда.

Яқинда туман тиббиёт бирлашмасига 50 га яқин тиббиёт асбоб-ускуна келтирилди. Тўрт нафар шифокор шу йил хорижда ҳамда пойтахтада малака ошириб қайтиди. Шунингдек, Чехия госпитали шифокори Кари Вешонка лапороскопик операциялар бўйича маҳорат машғулити ўтди.

– Аҳоли санитарија қоидларига тўла амал қилиши кўнгимаси шаклланган турли инфекцияли хасталикларнинг оддини олишига кўл келди, – дейди Фаронов оиласиши поликлиникаси мудири Файрат Искандаров. – Мисол учун, бу йил гепатит хасталиги деярли учрамади. Аҳолининг тўлиқ антропометрия текширувидан ўтказилиши келгусида қайси ўйналишда иш олиб бориши мизни янада яққолрек кўрсатмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'londar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шахридаги «SAM TEMIR SAVDO» хуароний корхонаси (СТИР: 307661573) ўз ташкилий-хуқуқий шаклини «SAM TEMIR SAVDO» масъулияти чекланган жамиятига ўзгаририди. «SAM TEMIR SAVDO» масъулияти чекланган жамияти «SAM TEMIR SAVDO» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича.

Манзил: Самарқанд шаҳри Набиев кўчаси, 6-үй.

Ургут туманидаги «NODIRBEK CHORCHINOR BARAKA» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 308226346) ўз устав фондини 532 354 727 (беш юз ўттиз иккى миллион уч юз эллик тўрт минг етти юз юйигрига етти) сўмдан 80 000 000 (саксон миллион) сўмга камайтиримда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча давъолар газетада ўзлон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Ургут тумани Чорчинор маҳалласи, Улуғбек кўчаси, 93-үй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Умаров Хурсонга (2020 йил 21 октябрда вафот этиган) тегиши мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларini сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-үй.

Самарқанд шахрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Сайдова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Можаева Александра Ивановнага (2021 йил 7 январда вафот этиган) тегиши мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Сайдова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларini сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-үй.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳошимов Голиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Ҳужамкулов Иҳон Нематovichga (2021 йил 12 майда вафот этиган) тегиши мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳошимов Голиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларini сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳарчаси Навоий шоҳкўчаси.

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳамидов Норбек Комил ўғли нотариал идорасида марҳум Аскarov Abdijakalliga (2020 йил 12 майда вафот этиган) тегиши мол-мулк учун мерос иши очилган.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-үй.

Мұхаббат, сен келдингү ёришди олам...

Суюкли ёр, меҳрибон дўст, қадрдон устоз Раҳмон Чинмираевга ғойибона изҳори дил

У менинг ҳаётимга нурафшон бир қўёш каби боғланди. Уни ҳар кўрганимда жиссимиға бир -толов югурар, у қалби кўёш, сўзлари ўти, чехраси нурли, қадди адл бир чинор, ҳаммага бир меҳр улашувчи, вазмин бир инсон эди. Қайси бир учрашув бўлмасин, унинг менга аталган байтлари, эл севган шоирларнинг қайноқ асарларидан тұхфалари бўларди.

Вилоят телерадиокомпаниясининг ўтган асрнинг 70-йилларидаги мухбири Раҳмон Чинмираевнинг мендек төғнинг ҳурқак тохик кизига қандай меҳри тушиб қолғанини ҳануз ҳам изоҳлаш берса олмайман. Менга ўзбекона шеълар, газаллар битар, аммо тохик тилини яхши тушунса-да, тохикона изҳори дил кипломасди. Қунларнинг бирида редакцияга қўлида ўша вакътлар урф бўлган радио билан кириб келди, радионинг қулогини буради. Дилбар бир кўшик янгради.

Мұхаббат омаду олам дигар шуд...

Ширали овозда кўйланган бу қўшик шунчалик оханларида дилтортар эдики, уни тингламасдан илож йўқ эди. Ўша даврнинг севими хонандаси Ботир Зокиров ижро этган бу қўшик ҳамон қўлогим остида жарагангайди. Ўшанда Раҳмон аба бу қўшикка таржима килиди.

Мұхаббат, сен келдингү ёриши олам, Гулим, бўғим, баҳорам бо жилвагар шуд...

Биринчи шеърим чоп этилган вилоят газетасини кўнглимга тутқазганда эса ич-ичимдан суюндим, кўнглим олам-олам қуонвонча тўлди.

- Кўнглизинг анча келиши қолиди, яна ёзинг, факат ёзганларнинг юракни жизиллатсин. Чунки газетнинг бош мухаррири менинг домлам, назими чукур тушундаги, ташкидий қўз билан қараидиган инсон. Ҳушёр бўлинг, кўпроқ ўқинг, изланинг, - деди.

Самарқанд давлат университети профессори Нуридин Шукуровнинг вилоят газетасига бош мухаррир бўлиб ўтиши ўшанда иход ахлини руҳлантириб юборганди. Кўп ўтмай Раҳмон аканни вилоят газетасига яшига тақлиф этишиди. Ҳаёт қуонвончи тасодифларга ўйғун. Шеър, кўшик, иход баҳона, тақдир экан, турмуш курдик.

Замон ва макон тўғонларидаги камол топган, қалами ҷархланган иходкорлар макони - Самарқанд адабий мухити Раҳмон Чинмираев-

ни ҳам оханрабодек ўзиға тортди. Нуридин Шукуров, Душан Файзий, Аҳмаджон Муҳторов, Нормурод Нарзуллаев, Самариддин Сирожиддинов, Асад Дилмурод, Исо Абдураҳмон, Ҳамида Каримова, Фармон Тошев, Дилбар Сандова каби кўплаб иходкорлар билан ўтказилган адабий кечаларда Раҳмон Чинмираевнинг иходга бўлган иштиёқи ортди. Йиллар ўтиб қалами сайқал топиб, устозлар эътироғиға сазовор бўлди. Адабиётнинг турли жанрларида яратган иход намуналари республиканинг ўша даврдаги етакчи газета-журналлари - "Шарқ юлдузи", "Гулистон", "Мехнат ва турмуш", "Саодат", "Ўзбекистон маданийти", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Фан ва турмуш", "Қишлоқ ҳақиқати" да бирин-кетин чоп этила бошлади.

Ҳар бир иходкорнинг ўз замонасадиги мухлисларни бўлгани каби адабиғинг ҳам мухлислари кенгайб борди. Унинг ўтили шеърлари, саломкли публицистик аспарлари, мазмунли очерклари республика миқёсидаги танловларда эътироғ этилди. Айниқса, "Мармарга битилган байтлар", "Ватангадонинг кўз ёшлири", "Қора янтоқ даргаси", "Шайхон" каби бадий очерклари ўзбекистон єзувчилар ва Журналистлар уюшмасининг дилноми ва мукофотларига сазовор бўлди. Қисқа муддатда бу уюшмаларнинг аъзоси бўлди. Қайноқ қалб эгаси драма жанрида ҳам иход қилди. Айниқса, республика танловидан ўтган "Нурбулоқ ёртаги" номли драмаси Буҳоро, Хива, Самарқанд, Каттакўргон театрларида саҳналаштирилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Айни дамларда унинг иход хазинасини вароқлаб турли, юзлаб дилбар шеърлар, таржималар, түғёни хикоялар, бунёдкор замондошлари ҳақидаги йирик очерклари, ҳажвияларидаги бетакор ташбехлар, равон сўз услугига, хотто сарлавҳа танлашдаги нуктадонлигига қойил қоламан. Араб тили ва ёзувини чукур ўзлаштири-



гани лол қолдиради. Тиним билмас иходкорнинг бунчалик сермаҳсул изланиши эътироғи арзиди. Кўп қирралари иходкорнинг "Ичиципар", "Шижаткор ёшлик", "Истиқболим-икబолим", "Нурбулоқ ёртаги", "Ойнинг ўбеши коронги", "Ҳандалак бўйликкинам", "Қора янтоқ дарғаси" номли аспарлари ўқишилиги, мазмун-мундарижаси билан мухлисларнинг севимили китобларiga айланди. Забардаст иходкор киска ўмири давомиди Маданият вазирлиги, ўзбекистон єзувчилар ва Журналистлар уюшмасининг "Фарҳий ёрлик", ташакурнома, эсадалик совалари ва йил мукофотлари билан тақдирланганини мenda фарҳ тўйгуларини ўйғотади.

Мактабни олтин медал, дорилғуннинг имтиёзли диплом билан тутагтган, она ўюти Нуротада иш бошлаб, Самарқанд ва Қашқадарё вилоят телерадиоларида фаолият юритган, умрининг сўнгги кунларигача "Зарифон" газетасига мөннат қилган иходкор Раҳмон Чинмираевнинг ҳаётгигох ўтилди, курашувчан, иродали она бўлиб яшаплан. Ҳаётимнинг ёнг оғир, мусабиқаларни ойлар эмас, хатто йилларга қуизилганда ҳам мардана туриб беришини ўрганди.

Турмуш ўтилди, баракали иход килди. Аммо қанча битмаган аспарлари сиёҳи куримай иш столидаги қолиб кетди. Айрилиг оғир келди, тўрт нафар гўдак билан бузлаб қолдим. Тўнгичим Ойбек ёндиғина мактабнинг бинорини синфини битирган, Нурбек этити, Садоқат беш ёшида, кенжам Дурбек уч ойлик қўлимда қолди. Ҳаётимиз тўкин бўймасдан, маош ва қалам ҳаки ортидан, эзгу умидлар билан кечди. Биз иккى иходкор бориёги ўйил умргузаронлик килган бўйсан-да, сабот билан яшадик. Раҳмон Чинмираев шижатли, куюнчак, ийқилмай яшашга турткি беришига ундовчун чустроиди. Раҳмон аканинг менга ва фарзандларига нурила ва фахрли иход йўли мерос бўлиб қолди. Ноумид бўлмадим, қатъянилди, курашувчан, иродали она бўлиб яшаплан. Ҳаётимнинг ёнг оғир, мусабиқаларни ойлар эмас, хатто йилларга қуизилганда ҳам мардана туриб беришини ўрганди.

Турмуш ўтилғанинг яқин дўстси, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг Навоий байтлари билан таъкидлаган луттфлари ҳамон кўлогим остида жараган бериб туриди: "Ғурбат ичра гарип бўлманг, синглим, шер бўлинг. Фарзандларигинг сизга мухтож".

Шарбат МУХТОРОВА,
фаҳрий журналист,
"Мөннат шуҳрати" ордени соҳибаси.
Навоий вилояти.



Мустақиллик Йиллари Самарқандда

2010 йил, январ

21 январь куни вилоят ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш бўйича ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Қенгашларининг кўшма мажлиси ўтказилди.

Унда қўйидагилар Самарқанд вилоятидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланди: Ҷ.Барновев - вилоят ҳокими

З.Мирзаев - Самарқанд шаҳри ҳокими
Х.Оқбатеев - Ўргут тумани ҳокими

Ф.Тошев - вилоят "Зарифон" газетасига бош мухаррири

Х.Шодиева - Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланди:

Ҷ.Барновев - вилоят ҳокими

М.Йўлодшев - Пахтачи педагогика коллежи директори.

февраль

1 февраль куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Юсуп Абдуродов Булуңтру тумани ҳокими, Ихтиёр Юсупов Пахтачи тумани ҳокими этиб тайинланди.

март

Вилоятдаги қорақўчлик хўжаликларида 180 мингдан зиёд қоракўл қўйлари боқилмокда.

Жомбай туманида туркиялик ишбайларнинг ҳамкорликда "Жомбай жаҳохори" кўшма корхонаси ташкил этилди.

Йилнинг ўтган даврида Ўргут туманида 1300 та янги иш ўрнини яратилиб, 186 тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди.

апрель

Вилоятда йилнинг биринчи чорагида:

- ялни ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 12,2 фоизга, ишлаб чиқариш ҳажми са ноатда 10 фоизга, қишлоқ ҳўжалигига 7,1 фоизга ошиди;

- ҳалқ истемоли моллари ишлаб чиқариш 8,8 фоизга, чакана савдо 12,2 фоизга, хизматлар 18,2 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 16,9 фоизга кўпайди;

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда 312,9 миллиард сўмни, ҳалқ истемоли моллари ишлаб чиқарши 227,3 миллиард сўмни ташкил қилиди;

- саноат салоҳиятини ошириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳудудий дастури асосида 200 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун 69,2 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилди ва соҳада 2954 та янги иш ўрни яратилиди.

«Ҳамсоятовок»

Бугун пандемия баҳонасида бутун дунё бир-бирига кўл ювиш ва озодаликни ўргатмоқда. Ваҳдоланики, овқатдан олдин ва кейин қўлни тозалан ювиш бизда удум ҳисобланган.

Эсимда, межмон чакиргандага биз, ёш болалар биттамиз оғобта, биттамиз дастшўй ушлаб, дастурхон айланаси бўйлаб навбати билан межмонларнинг кўлига сув куярдик. Баъзан бу иш ҳовлига ёки уйга киришда ҳам бажариларди. Межмонлар эса ҳарқатимизни

* * *

Халқимизда яна бир ажойиб анъана бор, уни "ҳамсоятовок" дейишиди. Агар мазалироқ таом пиширилса, онам бир косага ундан

солиб қўшнимиз - касалманд холаникига бериб келишимни тайинларди. Яна бир сафар бирорта қариянига, ҳомиладор аёлникига, азалик қўшниларнига юборарди.

Бошқа қўшнилар ҳам мавриди келгандага бизга шундай муруват кўрсатишарди. Бир куни "она, мен юбораётган хонадонингиз ахли ўзига тўқ-ку" дедим. Онам эса "бом, овқатимизнинг ҳиди кўчага чиққанини сезиб қолдим, ўзига тўқ бўлса ҳам ҳаваси келиши тайин, шунинг учун юборялманд", деб айтди.

Мени яна савол қўйнайди: биз нега бу удмурли давом эттираямиз? Ахир ошхона бориб бирга овқатланиш, ҳамсоятовокнинг ўрнини босмайдику?

**Нурддин ЯҲЕЕВ,
Иштиҳон тумани.**

Ағсонавий мұхаббат соҳиблари ҳақида янги асар

Ўзбек адабиётида "Тоҳир ва Зуҳра" достони энг машҳур ҳалиқ, оғзаки иходи науманалирдан бири. У бир неча асрлардан бўён авлоддан-авлодга, тилдан-тилга ўтиб келди. Достон воқеалари IV аср охири ва V аср бошларида кўхна кент - Самарқанд ҳудудида содир бўлган.



нинг аввалигни науманаларни чукур ўрганди, ушбу асар ҳақида берилган кўрсатувлар, имлий изланишлар, маколалар билан танишиди. Нихоят, меҳнати самараси ўларок замонавий ўзбек адабиётидаги ағсонавий мұхаббат соҳиблари ҳақида яна бир асар дунёга келди.

Ҳалқ оғзаки иходининг бу номини мумкин мустоҳниларни сифатида ўзидан олдинги шумдаги достони дастонлардан фарқли ўларок бадиий тўқималар, воқеалар бизниснинг замонавий руҳидашни кетмади. Үйкучи бир-икки аср аввал юз берган ходисаларни тасаввурда жонлантиради. Муаллиф достонда кофия ва вазандан кенг фойдаланади. Аллоҳга ҳамд, пайғамбара наът бағишлашда ҳам анъаналарга амал қилди, воқеанависликда эса кучли мантиқийликка асосланади.

Ушбу китоб Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа иходий ўйида чоп этилган. Сулаймон МАРДИЕВ.

«Янги китоблар

Самарқанд давлат университети нашриётида профессор Нурали Ҳолмановнинг "Ҳаёт сўқмокларида ушалган орзулар" асари босмадан чиқди.